

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳихлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.Йўлчиев

Лирик шеърда сюжет ва топохронос 102

С.Эшонқулов

Нодира лирикасининг бадиият олами асослари 108

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов

Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши 113

З.Рахимов, Ш.Искандарова

Фарона тилшунослик мактаби 116

Р.Шукуров, Г.Жўрабоева

Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир 123

М.Абдуллаттоев

Поэтик нутқни ўрганиш масалалари 128

З.Алимова

Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши 133

Ш.Дадабоева

Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари 138

Н.Якубова

Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот обьекти сифатида 142

Л.Абдуллаева

Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида 146

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Н.Расулова

Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг
моделлари 150

Г.Хамраева

Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш
усуллари 157

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Мирзарахимов, А.Сироғиддинов, Ж.Назирқулов

Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини
норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш 163

М.Султонова

Ўзбекистонда телетибиёт тизимини ташкил этиш тизими модели
ва ундаги муаммолар 167

Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўумонов, М.Акбарова

Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол
моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш 171

И.Асқаров, М.Холматова

Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби 175

Х.Муйдинов, Ж.Қодиров

Қорамол тери ости бўқалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўқалар
ҳашаротларининг учиш муддатлари 180

Ш.Усанов

Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари 183

А.Эшниязова

Ижодкор биографияси ва уруш фожиаси 187

Т.Рузибоев

Жудолик Навоий талқинида 191

Ш.Махмиджонов

Рұхият қирраларининг бадиий талқинлари 195

ЖУДОЛИК НАВОЙ ТАЛҚИНИДА

РАЗЛУКА В ИНТЕРПРЕТАЦИИ НАВОИ

PARTING IN NAVOI'S INTERPRETATION

Т.Рузибоев¹

¹Т.Рузибоев

– ФарДУ адабиётшунослик кафедраси мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг тахмис ёзиши маҳорати ҳамда шоир тахмисларининг бадиияти таҳлил ва тадқиқ этилган. Унда Навоийнинг ўз ғазалларидан бирига боғлаган “тахмиси худ”и (хусусий тахмис) таҳлилга тортилган.

Аннотация

В статье анализируется и исследуется мастерство написания Алишера Навои тахмиса и художественный уровень тахмисов поэта. В ней также анализируется «тахмиси худ» (частный тахмис) Навои, написанный на одну из собственных газелей.

Annotation

The article analyzes and investigates the skills of Alisher Navoi in takhmis creativity and the artistic properties of the poet's takhmis. It analyzes «takhmisi hud» (private takhmis) of Navoi written on one of his gazelles.

Таянч сўз ва иборалар: мисра, байт, банд, ғазал, тахмис, илми аруз, илми қофия, илми бадеъ, лирик қаҳрамон, бадиий тимсол.

Ключевые слова и выражения: строка, двустишие, строфа, газель, тахмис, наука аруза, наука рифмы, наука художественности, лирический герой, художественный образ.

Keywords and expressions: verse, couplet, stanza, gazelle, takhmis, science of aruza, science of rhyme, science of poetry, lyrical hero, artistic image.

Алишер Навоий нафақат ўзбек, балки барча туркӣ ҳалқлар адабиётида ҳам тахмиснависликка асос солган ижодкор саналади. Шоир тахмислари ўзидан кейинги туркӣ ҳалқлар адабиётида бу ижодий анъянанинг кенг тарқалишига замин бўлиб хизмат қилди. Навоий мумтоз адабиётшунослик “билимлар учлиги” – “илми аруз”, “илми бадеъ”, “илми қофия” [6,219] ҳамда замонавий адабиётшунослик талқинлари нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам ҳар икки йўналиш – ўз ғазали ва бошқа шоирлар ғазалига тахмис боғлашнинг мукаммал намуналарини яратганлиги эътироф этилади.

Шоир тахмисларидан еттитаси ўз ғазалларига боғланган. Етти банддан иборат “жудо” радифли тахмис шулар жумласидандир [1,676-677]. Асос ғазал анъянавий ишқ мавзусида ёзилган. Унда матлаъдан мақтаъга қадар ошиқ – лирик қаҳрамон учун ёрдан жудолик нақадар фожиали эканлиги юксак

бадиий маҳорат билан талқин этилади ҳамда ҳеч бир бандада Султондан, унинг муҳаббати ҳамда унга бўлган муҳаббатидан жудо бўлмасин, деган фалсафий хулоса билан якун топади. Демак, композицион қурилишига кўра ғазал яхлит бир маънони ўзида акс эттирган. “Яхлит маъноли, воқеабанд ғазаллар яратиш улуғ Навоийнинг шундай услубий ихтиорларидандир. Мақсад Шайхзода биринчи бўлиб бунга эътиборимизни қаратган эди. Аввалги шоирларда аҳён-аҳён учраб турадиган бу хусусият Навоий ижодида изчиллик тусини олади, муайян равия, бадиий ифода тарзига айланади. Турфа инсоний ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар тасвирига бағишлиланган туркум-туркум ғазаллар шундан далолат беради” [3,3]. Мазкур ғазал ҳам айнан шу туркумлардан бирига хослиги билан ажralиб туради. Тахмис учлигига ғазалда ифодаланган лирик манзара янгидан-янги тафсилотлар, кечинмалар талқини билан бойитилади:

Оҳқим, воламен ул сарви хиромондин жудо,
Кўзларим гирёндур ул гулбарги хандондин жудо,
Бенаводур жон доғи ул хури ризвондин жудо,
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Ёрдан жудо бўлган ошиқ қалби изтироблари, дарду ҳасратлари тасвири мисрама-мисра изчиллик билан ёритилади. Лирик қаҳрамон ёни анъанавий “сарви хиромон”, “гулбарги хандон”, “хури ризвон” **истиоралари** билан сифатлаб, жудолик оқибатида ўзининг волалиги, кўзлари гирёнлиги, жони ҳам бенаволигини **муболағали** тарзда баён этади. Бандда ошиқ ҳолати анъанавий тимсоллар: **гулистондан жудо бўлган булбул ҳамда шаккаристонидан айрилган тўтига қиёслаш** билан далилланади. Бу қиёс айни пайтда жуда жонли ва ишончли бўлиб, ўкувчидаги ошиқ руҳиятидаги эврилишларни яққол ҳис этиш имконини беради. Тахмис учлиги асос байтга мазмунан шу қадар уйғунлашиб кетганки, уларни бир-бираидан айро тасаввур этиш, улар бошқа-бошқа замонда ёзилган деб фикрлаш қийин.

Вах, неча ишқ ўти жисмимда сўнгакни ўртагай.
Кўнглагим жайбиға ўт солғай, этакни ўртагай,
Телбалик оҳим самодин то самакни ўртагай,
Ул қўёш ҳажрида кўрқармен фалакни ўртагай
Ҳар шарореким бўлур бу ўтлуғ афғондин жудо.

Ишқ ўти дастлаб ошиқнинг сўнгак (суюқ)лари, кейин кўйлагининг жайби (ёқаси)га тулашиб, этагини ёндиради. Учинчи мисрада эса бу ўт таъсиридаги телбалик (жуунунлик) туфайли чекилаётган оҳ самодан то самак (сув остидаги балик)ни ўртайди ва ниҳоят ошиқ ул қўёш (ёр) ҳажрида чекаётган фифонининг ҳар бир учқуни фалакни ўртамаса эди, дея кўрқувга туша бошлайди. Бандда **муболаға** ва **истиора** (куёш – ёр) ёрдамида ошиқ

Ваҳки, бағрим тўқти кўзлар йўлидин паргола кўп,
Кўз ҳам ул гул ҳажридин ёғдоруди гулгун жола кўп,
Заъф этибмен қонлиғ ашким баски тўқти лола кўп,
Дема, ҳижронимда чекмайсен фифону нола кўп,
Жисм айларму фифон бўлғоч нафас жондин жудо?

Бағирнинг кўп паргола тўкиши (бўлак-бўлак бўлиши), кўзниң гулгун жола (қонли ёш дўли) ёғдириши, қонлиғ ашк (ёш)нинг кўп тўкилиши оқибатида ошиқ заъф этиб (холсизланиб), охир-оқибат жисми нафас ва жондан жудо бўлади ва ошиқнинг нима учун кўп фифону нола чека олмаётганлиги ойдинлашади. Мисралар вазн, қофия каби

Қилғали маҳрум жоми васлдин жонон мени,
Талхком этмиш тириклик бодасидин жон мени,
Ҳар замоне ўлтутур фам заҳридин ҳижрон мени,
Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон, мени
Айлагил жондин жудо қилғунча жонондин жудо.

Жонон ошиқни “жоми васл” (висол лаззати)дан маҳрум этмоқчи. Жон эса уни “тириклик бодаси” (ҳаёт)дан “талхком этмиш” –

Иккинчи банддан бошлаб ишқий изтироблар, ҳижрон ўртанишлари муболағали тус ола бошлайди. Унинг дастлабки тўрт мисрасига “ўртагай” сўзи радиф қилиб олингани эса дардлар оқимиға янада шиддатли тус беради. Чунки **“ўртамоқ”** феъли мазмунан муайян бир ҳолат (руҳий алам-изтироб)нинг ниҳоят даражада юқори эканлигини англатади [7, 171]. Шоир ошиқнинг ўтли нолалардан чиқаётган ҳар бир шарор (учқун) фалакни ўрташи – ёндириб юборишидан кўрқаётганини таъкидлайди. Албатта, бу тасвир шартли ва ўта бўрттирилган, аммо ўкувчи уни табиий бир ҳол сифатида қабул қиласи ҳамда ошиқ руҳиятида кечаётган оғрикли ҳислар, уни қийнаётган дардли кечинмалар пўртанаси нақадар кучли эканлигига амин бўлади:

кечинмаларининг шоирона гўзал бадиий талқинини кўришимиз мумкин.

Учинчи бандда ҳам тахмис учлиги ва асос байт мазмуни орқали ошиқ ботиний оламида кечаётган ишқий изтироблар мантиқий изчилликда очиб берилади. Шоир фикр таъкидини таъминлаш, ўкувчи диққатини унга тортиш учун “кўп” радифидан фойдаланади:

поэтик унсурлар ёрдамида шаклан ҳам ўзаро уйғунлик касб этиб ҳар жиҳатдан бир бутун яхлитликдаги лирик лавҳа яратилган.
Навбатдаги бандда ошиқ ва жонон орасидаги ишқий можароларнинг янада кескинлашган зиддиятли муносабатлари талқини бошланади:

азоб-уқубатга дучор айлаганки, энди ҳижрон истаган пайтда “фам заҳри” (айрилиқ изтироблари) билан заҳарлаб, ўлдириши

ИЛМИЙ АХБОРОТ

муқаррар. Ошиқ учун ҳижрон ўлимдан аччиқрок, шу боис жонондан жудо бўлгунча жондан жудо бўлиш осонроқ.

Охирги мисрадаги “жондин”, “жудо”, “жонондин”, “жудо” каби сўзлардага “о”, “и”, “у” унлилари, “ж”, “н”, “д” ундошлари тақорида товушлар уйғунлиги – **аллитерацияни** кўрамиз. Бу ўринда “аллитерация руҳий ҳолатнинг муайян кўринишдаги ифодаси бўлиб, унинг ёрдамида лирик қаҳрамон ички дунёси очиб берилишига, образларнинг поэтик талқинига йўналтириллади” [5,14]. Шунингдек, “жондин”, “жудо”, “жонондин”, “жудо” каби «ж» билан бошланган сўзлар **тавзеъ** санъатини ҳам вужудга келтирган [4, 34]. Банддаги “жонон”, “жон”, “ҳижрон”, “даврон” каби сўзлар “н” равий ундоши билан тугалланган

Бағрима, эй хори ҳижрон, ҳар замон санчилмагил,
Эй кўнгул, юз жавр етса, кўзга ғайрин илмагил,
Минг бало юзланса, эй жон, ёрдин айрилмагил,
Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмагил
Ёрни мэндин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Шоир банднинг тўрт мисрасида “хори ҳижрон”, “кўнгул”, “жон” ва “ҳажр”га нидо қилади ва ҳар бир мурожаатда жудоликнинг “бағирга санчилмаслик”, “ғайрни кўзга илмаслик”, “ёрдан айрилмаслик”, “жудо қилмаслик” каби муайян жиҳатларига ургу

Жонни андоқ ҳуснунг ўти шуъласи кул қилдиким,
Жисм ўтундек шуълайи рухсориға ёқилдиким,
Шарҳи ҳолига аларнинг бу рақам ёзилдиким,
Васл аро парвона ўртанди ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ они шамъи шабистондин жудо.

Шоир мақсади, мурожаат этилаётган мавзу моҳияти, тасвиранган ишқ можаросининг ўзига хослиги, бандлардаги поэтик манзара жозибадорлиги ва уларнинг ўзаро узвий боғланишини таъминлаётган фикрлар кўлами серқатламлиги билан муболағанинг бадиий сўз доирасидаги янги талқинини топиб, бадииятнинг чексиз имкониятларидан унумли фойдаланиш. Ҳар бир банд бошида тилга олинган мавзу охирида мантиқий якун топади ва ўзига хос бир бутун лирик лавҳа яратилади. Банд “Жонни андоқ ҳуснунг ўти шуъласи кул қилдиким” мисраси билан бошланиб, “Васл аро парвона ўртанди ҳамоно билдиким, Қилғудекдур субҳ они

Ошиқеким, бўлғай ул бир шўхи гулрухсорсиз,
Уйла булбулдурки қолмишдур гулу гулзорсиз,
Вой ул бедилғаким, қолғай тирик дилдорсиз,
Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Шоир таъкидлашича, “бир шўхи гулрухсорсиз” ошиқ, гулу гулзорсиз қолган булбулдир, тирик бўла туриб дилдорсиз қолган бедил (ошиқ)нинг эса ҳолигавой. Шунинг учун

мужаррад қоғия ҳам бандда мисралараро ўзига хос ритмик оҳангдорлик ҳамда шаклан мутаносиблик ва уйғунликни ҳам таъминлаган.

Тахмиснинг бешинчи бандида ҳам гўзал поэтик манзараларга бой фикрини **муболаға** – “юз жавр етса...”, “минг бало юзланса...”, “Бўлса юз минг жоним ол”; **истиора** – “хори ҳижрон”, “ғайр”; **ташхис** – “эй хори ҳижрон”, “эй кўнгул”, “эй жон”, “эй ҳажр”; **тавзеъ** – “Ёрни мэндин жудо ёхуд мени ондин жудо”, **илтифот** – лирик қаҳрамоннинг “эй хори ҳижрон”, “эй кўнгул”, “эй жон”, “эй ҳажр” каби бир неча шахсга мурожаат қилиши сингари бадиий санъатлар ёрдамида жудоликнинг барча изтиробларини тадрижий равишда ифодалаб берган:

Бағрима, эй хори ҳижрон, ҳар замон санчилмагил,
Эй кўнгул, юз жавр етса, кўзга ғайрин илмагил,
Минг бало юзланса, эй жон, ёрдин айрилмагил,
Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмагил
Ёрни мэндин жудо ёхуд мени ондин жудо.

беради. Муболағалар даражама-даражада орттирилиши руҳий кечинмалардаги турфа эврилишларни аниқ ва таъсирчан ифодалаш имконини беради. Навбатдаги бандда муболағали тасвир янада кўчайтирилади:

шамъи шабистондин жудо...” мисралари билан якунланади. Унда бир тушунча доирасидаги “жон” – “парвона”; “ҳусн ўти” – “шуълайи рухсор”, “шамъи шабистон” истиоравий жуфтликларнинг ошиқ ва маъшуқа тимсоли сифатида мутаносиблиги **таносуб** [2, 207] санъатига асос бўлган.

Якуний бандда “гулрухсорсиз”, “гулзорсиз”, “дилдорсиз”, “ёрсиз” каби қоғиядош сўзлар ёрдамида бирлашган мисралар мазмунида воқелик тасвири мантиқий изчилликда давом эттирилиб, жудоликнинг қулминацион нуқтасигача етиб боради:

Ошиқеким, бўлғай ул бир шўхи гулрухсорсиз,
Уйла булбулдурки қолмишдур гулу гулзорсиз,
Вой ул бедилғаким, қолғай тирик дилдорсиз,
Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Яратганга илтижо қилиб, ёрсиз бир эгасиз итга ўхшаб қолишдан асрашни сўрайди.

Шоир бу тахмисида ҳам мажозий ишқ талқини орқали ҳақиқий ишқ мавзусини

ёритади. Унинг ҳар бир бандида банданинг Султонга – инсоннинг ўз Яратувчисига бўлган чексиз муҳаббати, унинг васлидан баҳраманд бўлиш учун фоний дунё

тўсиқларини бирма-бир енгиб ўтиши, муҳаббат оловида тобланиб, ёрга интилиши юксак бадиият билан талқин этилган.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сигар. ТАТ, 1-жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: “O’zbekiston”, 2014.
3. Комилов Н. Жон ва жонон можароси. // Jahon adabiyoti, 2019, 6-сон.
4. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
5. Умирова С.М. Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърияти мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019.
6. Шайхзода М. Фазал мулкининг султони. Асарлар. 6 томлик. 4-том. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. Ў ҳарфи.– Т.: ЎМЭ Давлат илмий нашриёти, 2008.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).